
Расмий муносабат

Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи “Нурсух бетон канали” орқали фермер хўжаликлари дала майдонларини суғориш тақсмотига оид видеолавҳа тарқалган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман Ирригация бўлими қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон туманида жойлашган “Нурсух бетон канали” орқали Сўх дарёсидан олинадиган сув тумандаги “Ўқчи”, “Ғаниобод”, “А.Ниёзов” ва “Ғафур Ғулом” ММТПларида жойлашган турли йўналишдаги фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқаларида фойдаланишга хизмат қилади. Хусусан, мазкур канал орқали айна қайд этилган ҳудудлардаги 7970 гектар экин майдонлари суғорилади.

Сўх дарёси қўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудидан оқиб келиб, куз-қиш ва баҳор мавсумида табиий сув тақчиллиги кузатилади. Ёз ойларига келиб эса, об-ҳавонинг кўтарилиши ҳисобига дарёнинг сатҳи кўтарилиб, фойдаланувчиларни сув билан таъминлаш имконияти яратилади. Сув тақчиллиги пайтларида эса, Ўзбекистон туманидаги айна дарёга боғлиқ суғориладиган экин майдонлари сув навбати-"аврон" усулида суғорилади.

Ижтимоий тармоққа жойлаштирилган видеолавҳада қайд этилган ҳолат бўйича ҳам, жорий йилнинг 12 июнь куни “Нурсух бетон канали”даги сув ҳудудларнинг лимитига асосланиб тақсмот қилинган. Шундай бўлсада, “А.Ниёзов” ММТП ҳудудидаги фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ўз экин майдонлари ўта даражада чанқаганлиги инобатга олиниб ҳамда экиннинг нес-нобуд бўлиши олдини олиш мақсадида ўрнатилган тақсмотдан ортиқча сув “1-тармоқ каналига” йўналтирилган. Ушбу ҳолат тегишли мутасаддилар назоратида туман Ирригация бўлими мутахассислари томонидан қисқа фурсатда бартараф этилиб, “Ғаниобод” ҳамда “А.Ниёзов” ММТП ҳудудларига белгиланган лимитлар асосида сувлар йўналтирилиб берилган ва ҳолат қатъий назоратга олинган.

Айна кунларда ҳар икки ҳудудга ҳам Сўх дарёси суви етарли миқдорда етказиб берилиб, фермер ва деҳқон хўжаликлари ўртасидаги сув тақсмоти ҳам назоратга олинган.

2023-06-14 22:04:58